

3-27-2019

# STYLISTIC PROPERTIES OF UZBEK FOLK PROVERBS BASED ON THE LEXICAL SEMANTIC GROUP “CAMEL”

Bibish Mukhsinovna Jurayeva

*Dosent at the department of Uzbek linguistics at Bukhara State University, doctor of philology*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

---

### Recommended Citation

Jurayeva, Bibish Mukhsinovna (2019) "STYLISTIC PROPERTIES OF UZBEK FOLK PROVERBS BASED ON THE LEXICAL SEMANTIC GROUP “CAMEL”," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 2 : Iss. 1 , Article 2.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol2/iss1/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК: 81.373.161.1

«ТУЯ» ЛМГИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ  
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

СТИЛИСТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ,  
ОСНОВАННЫХ НА ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ ГРУППЕ «ВЕРБЛЮД»

STYLISTIC PROPERTIES OF UZBEK FOLK PROVERBS BASED ON THE LEXICAL  
SEMANTIC GROUP “CAMEL”

Jurayeva Bibish Mukhsinovna

*Dosent at the department of Uzbek linguistics at Bukhara State University, doctor of philology*

**Таянч сўзлар:** мақол, мақолларнинг шаклланиш асоси, туя, нор, услубият.

**Ключевые слова:** пословица, основа формирования пословиц, верблюд, самец верблюда, стилистика.

**Key words:** proverb, the basis of the formation of proverbs, camel, male camel, stylistics.

**Аннотация**

*Мақолада “туя” ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари услубияти ҳақида фикр юритилган.*

**Аннотация**

*В статье рассматривается стилистика узбекских народных пословиц, основанных на лексико-семантической группе “верблюд”.*

**Abstract**

*The article considers the style of Uzbek national proverbs, based on the lexical-semantic group “camel”.*

**Кириш.** М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан бошланган зоонимларни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш масаласи ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозирга қадар кун тартибидан тушган эмас.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, жамият аъзоларининг кундалик ҳаётида кенг қўлланиладиган нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг, уларга хос белги-хусусиятларнинг ижтимоий шартланган қўшимча маънолари бор. Шунингдек, ҳайвон номлари кенг тарқалганлиги, айниқса, кишилар ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг маъно қурилишида ҳам қўшимча семалар ажратилади. Ўзбек халқ мақоллари таркибида ҳайвон номлари билан боғлиқ паремалар салмоқли ўрин эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, халқ азал-азалдан сугир, қўй, эшак, эчки сингари уй ҳайвонларини боққан ва улардан ўз мақсади, эҳтиёжи йўлида фойдаланган.

**Асосий қисм.** Туя бир ёки икки ўрқачли, йирик сутэмизувчи иш ҳайвони бўлиб [4, 240], ўзбек тилшунослигида “туя” ЛМГига туя, инган, нор, бўта каби лексемалар киради.

Ўзбек халқ мақолларида “туя” ЛМгининг кўчма маънолари қуйидаги йўллар билан ҳосил қилинган:

1. *Ташқи кўринишига кўра:* Туянинг думи калта бўлса ҳам, тулкидан дум сўрамас. Туядан: “Нега бўйнинг эгри” деб сўрасалар, “қаерим тўғри” деган экан. Туя қанча – яраси шунча. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.

2. *Биологик хусусиятига кўра:* Туяни чўмич билан суғориб бўлмайди. Туянинг танигани – янтоқ.

3. *Феъл-атвориға кўра:* Оғир юкда нор керак, Ёв талашда эр керак. Оғир юкни нор кўтарар, Эл оғирин эр кўтарар. Йўлда юрсанг, туя ишлат, Элда юрсанг – мия.

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Ўзбек халқ мақолларида “туя” ЛМГи уч жиҳат: ижобий, мўътадил ва салбий характер-хусусиятни ифодалашга хосланган.

Ўзбек халқ мақолларида “туя” ЛМГи ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида қуйидаги семаларда намоён бўлади:

*“Меҳрибонлик” семаси:*

Инган инграса, бўта бўзлайди. (инган – урғочи туя.)

Ота-она қийналса, азоб чекса болаларнинг, болалар азоб чекса ота-онасининг, умуман, яқинларнинг бир-бирига бағри ачишади, дардига шерик бўлади, деган мажозий маънода ишлатилади.

*“Хушмуомалалик” семаси:*

Туя ҳам муомалага чўкар.

“Чўк” деса, туя ҳам чўкади.

Мажозан: ҳар қандай мансабдор, бой-бадавлат; ҳам ақлан, ҳам жисмонан кучли одам қанчалик ўзининг енгилмаслиги билан ғурурланмасин, унга ўрнида ва келиштириб муомала – мулозамат қилсанг, кўнглини кўтариб, мақтаб қўйсанг, ўша инсон ҳам гапингга қулоқ солади, сени тинглайди, дейилмоқчи.

*“Ғаниматлик” семаси:*

Бақироқ туя – норинг,

Бақироқ ота – мадоринг.

Бақироқ туянинг бори яхши,

Бақириб тургани ундан ҳам яхши.

Мажозан: қартайиб қолган бўлса ҳам ота-онанинг бори (ҳаётлиги) яхши. Чунки улар гарчи бақириб-чақириб, койиб бўлса ҳам, фарзандларини номаъқул йўлдан қайтариб туришади. Ўғил-қизлар оламдан ўтган ота ёки оналарини ёдга олганларида, уларнинг баъзан аччиқ-аччиқ гаплар билан бўлса ҳам берган панд-насиҳатларини қўмсаганларида шу мақолларни айтадилар.

*“Камтарлик” семаси:*

Кичкина юкка ҳам туя тиз чўкар.

Одатда, туя юк ортмоқчи бўлганларида тиз чўкади ёхуд уни чўктирадилар. Бу билан: “Сен ҳар қанча моддий ва маънавий бойликка эга бўлсанг ҳам, мағрурланиб кетма, ўзингни камтар тут. Шундагина эл-юрт ўртасида обрўйингга обрў қўшилади, ҳурмат-эътиборинг ортади”, - дейилмоқчи.

*“Чидамлилик”, “сабрлилик” семалари:*

Йигит иш бичувда билинар,

Туя – сув кечувда.

Туя юради қирғоқда, Кўрсанг биласан ботқоқда.

Оғир юкда нор керак, Ёв талашда эр керак.

Оғир юкни нор кўтарар, Эл оғирин эр кўтарар.

Йўлда юрсанг, туя ишлат, Элда юрсанг – мия.

Аввалги замонларда ота-боболаримиз туя, от, хачир, эшак каби ҳайвонлардан уй-рўзғор ишларида унумли фойдаланишган. Айниқса, туя сувсиз, қуруқлик жойларда, чўл зоналарда оғир ва кўп юкни ташиш учун энг керакли ҳайвон ҳисобланган. Шу сабаб ҳам сабр-тоқатли, бардошли, иродали инсонлар туяга қиёс қилинади.

*“Мағрурлик” семаси:*

Туянинг думи калта бўлса ҳам, тулкидан дум сўрамас.

Бу мақол билан кишини ор-номусли, чидамли, қаноатли бўлишга, ҳар қандай эҳтиёж туғилган чоғда ҳам бировдан, айниқса, пасткаш, миннат қилиб юрувчи одамдан бир нима сўрамасликка даъват этадилар.

*“Узоқни кўра олиш” семаси:*

Туя манзил кўрар, Эшак – оёғин остини.

Туя минган узоқни кўзлар, Эшак минган яқинни.

Бу мақоллар орқали: “Киройи бир иш қиладиган бўлсанг, осон, ўнғай, енгил-елпи, меҳнату машаққатсиз, тезгина битиб кетадиган тарафини кўзлама; ишни

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

бирваракайига қил, яхши, пишиқ-пухта, кўп, мўл-кўл бўлишини ўйла, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликдан кўрқма. Шундагина обрў-эътибор қозонасан!”, - деган маънода насиҳат қиладилар.

*“Фахрланиш” семаси:*

Нор изини норча босар.

От – биядан, нор – туядан.

Бия – отнинг урғочиси, онаси. Нор эса туянинг эркаги.

Мажозан: “Ота-она қанчалик кучли, бақувват, мағрур, насл-насабли бўлса, туғилажак фарзандлар ҳам шундай бўлади. Одамлар: «Фалончи қандай кучли, полвон, худди отасидек-а, отасининг боласи-да», деб фахрланишади”, деган маънода ишлатилади.

*“Пухталиқ” семаси:*

От ойлигин ўйлар, туя – йиллигин. Бу мақолда “от” лексемаси узоқни кўра олмайдиган, эртанги куни, келажаги ҳақида ўйлаб, бош қотириб ҳам ўтирмайдиган, калтабин, калтафаҳм, дангаса, ялқовларга нисбатан; “туя” лексемаси эса, аксинча, пухталиқ рамзи сифатида ишлатилади.

“Туя” ЛМГи мўътадил характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида қуйидаги семаларда намоён бўлади:

*“Ночорлик”, “иложсизлик” семалари:*

Туя – минг танга, мана минг танга!

Туя – бир танга, қани бир танга?

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, кишининг ёнида пул бўлмаганда, аксига олиб, бирор керакли нарса арзон нарҳда сотилаётган бўлади. Ёнида пул бўлганда эса қидириб юрилган зарур нарса қиммат баҳога ҳам топилмайди. Агар топилгудек бўлса, кирои зарурлигидан ҳар қанча баланд нарҳда ҳам сотиб олинади.

*“Мададкорлик” семаси:*

“Ҳайт!” деган – туяга мадор.

Туяни юришга ундаганда “ҳайт” дейдилар. Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, туякаш туянинг юкини кўтариб, унга ёрдам беролмаса ҳам, вақти-вақти билан унинг “ҳайт” деб тургани туяга куч бағишлайди, мадор беради. Мажозан: “Бировнинг бирор мушуқлини осонлаштириш кўлингдан келмаса ҳам, унга ёрдамлаша олмасанг ҳам, маслаҳатингни ёхуд унинг кўнглини кўтарувчи ширин сўзингни аяма. Шунинг ўзи ҳам унга мадор ва мадад бўла олади”, деб одамийликка, ширинсуханликка ундайдилар.

*“Манфаатдорлик” семаси:*

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.

Ҳар ким ўз тирикчилигини ўтказиш учун ўзи меҳнат қилиши лозим. Бировнинг тирикчилигини биров ўтказиб бермайди, дейилмоқчи.

“Туя” ЛМГининг салбий характер-хусусиятни белгиловчи қуйидаги семалари мавжуд:

*“Очкўзлик” семаси:*

Ёмон туя ховутин ер. (ховут – туя эгари.)

Ушбу мақол мажозан бесабр, беқаноат, очкўз, ебтўймас одамларга нисбатан ишлатилади.

*“Ёмонлик” семаси:*

Туядан: “Нега бўйнинг эгри” деб сўрасалар,

“Қаерим тўғри” деган экан.

Мажозан: ёмон одамнинг қай бир қилган иши яхши бўларди, деган маънода киноя қиладилар.

*“Гердайиш” семаси:*

Туя бўйига ишониб, йилдан қуруқ қолибди.

Баъзи одам ўзининг бойлигига, кучига, амал-мансабига ишониб, мағрурланиб, ўзини катта олиб юради-да, бирдан айтиладиган жойга айтилмай қолиб, мулзам бўлади ва шармандаси чиқади.

*“Тамагирлик” семаси:*

Туяни чўмич билан суғориб бўлмайди.

Туянинг танигани – янтоқ.

Катта еб, катта ичиб ўрганиб қолган одамни озгина, арзимаган нарса билан қаноатлантириб, кўнглини олиб бўлмайди дейилмоқчи. Бу мақол, кўпинча, порахўр, олғир, юлғич, тамагир кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

*“Бефаросатлик” семаси:*

Туя ҳаммомни ҳавас қилар.

Туяга ўйна десанг, ҳамма ерни пайхон қилар.

Ўзи бозорга сиғмаган туя, Қўшани билан кирар.

Эшакка мугуз битса, эгасини сузар,

Туяга қанот битса, томингни бузар.

1-маъно: ўз ҳол-қудратидан, имкониятидан баланд, ўзига номуносиб нарсаларни, ҳар бир нарсанинг энг яхшисини, энг зўрини истайдиган, орзу қиладиган одамга нисбатан киноя тарзида айтилади. 2-маъно: аҳмоқ, пасткаш, аблаҳ кишининг қўлига бирор ишни топшириб, уни ўз ҳолига қўйсанг, шунда у ўзини эркин сезиб, ҳамма ерни булғайди, расво қилади, ишнинг эса пачавасини чиқаради.

*“Қўполлик”, “бесўнақайлик” семалари:*

Туянинг каттаси кўприқда таёқ ер.

Туянинг ҳазили ботмон ғўзани ебди.

Туянинг териси ҳам бир эшакка юк.

Ўзи ва сўзи қўпол, дағал, қилиғи совуқ, гап-сўзи ва хатти-ҳаракати билан кишиларга озор берувчи, ёқимсиз одамларга нисбатан истехзо ва киноя тарзида қўллайдилар [3, 402].

“Девону луғотит турк” да ушбу мақолнинг маъноси қуйидагича изоҳланади:

“Тәвәј сiлкiнсә эшәккә јук чiқар” – Туя силкинса, ундан бир эшакнинг юки чиқади. Бу мақол кичик ишни ташлаб, катта ишга киришишга ундаб айтилади [1, 286].

*“Шошқалоқлик”, “сабрсизлик” семалари:*

Туя элакка қолганда бақирар.

Киши ишлаб, чарчаб турган пайтда енгил, арзимаган иш ҳам оғир ва мушкул туюлади, “қилмайман!” деб рад этади ёки оғриниб, малол келиб, зарда қилиб, жаҳл билан қилади. Мажозан чидамсиз, сабрсиз, жаҳлдор кимсаларга нисбатан ишлатилади.

Ушбу мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам мавжуд:

Туя элакка қолганда оқсар,

Туя элакка қолганда: “Вой белим”, – дебди.

“Мақтанчоқлик” семаси:

Туя катта бўлса ҳам, тезаги катта эмас.

Ота-онаси, устози, раҳнамоси ва ҳ.к.ларнинг кетидан катталиқ, мақтанчоқлик қилиб юрувчи кишиларга нисбатан киноя тарзида ишлатилади. Ушбу мақол “Девону луғотит турк” да ҳам шу маънода изоҳланган: “Тәвәј бәдүк эрса мајақи бәдүк эрмас – туя катта бўлса ҳам, тезаги катта эмас. Бу мақол каттанинг шогирди бўла туриб, ўзини катта тутадиган одамга нисбатан қўлланади. Катталиқ сенга эмас, сенга хўжайин бўлган одамга муносиб, демакдир” [2, 182].

**Хулоса.** Ўзбек халқ мақолларида “туя” ЛМГи “меҳрибонлик”; “хушмуомалалик”; “ғани-матлик”; “камтарлик”; “чидамлилик”, “сабрлилик”; “мағрурлик”; “узоқни кўра олиш”; “фаҳр-ланиш”; “пухталиқ” каби ижобий; “ночорлик”, “иложсизлик”; “мададкорлик”; “манфаатдор-лик” каби мўътадил; “очкўзлик”; “ёмонлик”; “гердайиш”; “тамагирлик”; “бефаросатлик”; “қўполлик”, “бесўнақайлик”; “шошқалоқлик”, “сабрсизлик”; “мақтанчоқлик” каби салбий характер-хусусиятларни ифодалайди.

REFERENCES

1. **Koshg'ariy M.** Turkiy so'zlar devoni (Devonu lug'otit turk). Uch tomlik. II tom. - Toshkent: O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1961. - 428 b.
2. **Koshg'ariy M.** Turkiy so'zlar devoni (Devonu lug'otit turk). Uch tomlik. III tom. - Toshkent: O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1963. - 468 b.
3. **Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh.** Hikmatnoma. - Toshkent: Sovet O'zbek Entsiklopediyasi Bosh redaktsiyasi, 1990. - 526 b.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. Ikki jildlik. 2-jild. S-H. - M.: Rus tili, 1981. - 715 b.